



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ШАРОФ РАШИДОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватан-дошлар!

Мухтарам меҳмонлар!
Қадри Жиззах аҳли!

Бугун барчамиз жонажон Ватанимиз ҳаётидаги улкан воқеа муносабати билан қадимий ва навқирон Жиззах шаҳрида тўпланиб турибмиз. Шу кунларда ўзбек халқининг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи ва беназир инсон Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Кўп миллатли халқимиз бу улуг инсоннинг азиз номини ёд этиб, унинг ўлмас хотирасига чўқур ҳурмат ва эҳтиром бажо келтирмоқда.

Шароф Рашидов ўзининг ноёб ақл-заковати, бой билим ва таҳрибаси, меҳнатсеварлиги ва камтарлиги, юксак инсоний ғазилатлари билан нафақат Ўзбекистонда, балки узок-яқин улқаларда ҳам катта обрў-этибор қозонган эди.

Бу улуг инсон, собиқ мустабид тузум даврида турли тазйиқ ва синовларга бардош бериб, халқимиз ва миллатимизга садоқат билан, ҳалол ва фидокорона хизмат қилди.

Умрининг сўнгги дақиқаларида ҳам далага бориб, захматқаш ўзбек деҳқонлари орасида бўлганини барчамиз яхши биламиз.

Шароф Рашидов оддий халқ орасидан чиққан, ҳақиқий юртпарвар раҳбар эди.

У киши бир умр ўзи каби содда ва камтарин одамларга елкадош бўлиб, уларнинг дарду ташвишлари билан яшади. Уларга хизмат қилишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб билди.

Хар қандай мураккаб шароитда ҳам халқимиз манфаатини ўйлаб амалга оширган ана шундай савобли ишларини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди.

Минг афсуски, ҳаёт бу инсонга шундай мураккаб қисматни раво қўрдики, у юрагидаги барча орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўз меҳнатининг ҳосилидан тўла баҳраманд бўлиш имконига эга бўлмади.

Ақсинча, мустабид тузум ўзига садоқат билан хизмат қилган шундай улуг инсонни охири-оқибатда турли тўхмат ва маломатларга дучор қилди.

Шароф Рашидов вафот этиши билан унинг хотирасини ҳўрлаб, қабрини қўчирдилар, оила аъзолари, қариндош-уруғларини, дўстлари ва шоғирдларини қўвғин қилдилар. «Пахта иши», «Ўзбек иши», «Рашидовчилик» деган бўхтон гаплар билан у кишининг азиз номини, бутун халқимизни ёмонотлиқ қилдилар.

Фақатгина мустақиллик даврига келиб, Биринчи Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов томонидан тарихий адолат тикланди — Шароф Рашидовнинг пок номи оқланди ва 75 йиллик таваллуд санаси юртимизда кенг нишонланди.

Биз бугун яқин тарихимизда бўлган ана шундай янғили воқеаларни эслар эканмиз, мустақиллигимизнинг кадр-қимматини янада теран ағнаб етишимиз, уни хар қандай ёвуз қўчлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз шарт.

Шароф Рашидов республика раҳбари сифатида зиммасидаги улкан вазифаларга қарамасдан, ўзи бутун борлиги билан севган адабиётга ҳамиша содиқ қолди.

У ўзининг бетақор истеъоди билан эзгу қадриятларни тарангун этган роман ва қиссалар, шеър ва достонлар, публицистик мақолалар яратди.

Рус тилини мукамал эгаллаган, бу тилда бадий асарлар ёзиш салоҳиятига эга бўлган бу улкан адиб айнан ўзбек тилида ижод қилди. Шу тариқа, ўша пайтдаги мураккаб идеологик тазйиқларга қарамасдан, миллий адабиётимиз, авваламбор, она тилимиз ривожига қўшган катта ҳиссаси хар томонлама ибратга муносибдир.

Шароф Рашидовнинг «Икки дил достони» деган гўзал асарини ҳаммамиз севиб ўқиганмиз. Менинг назаримда, чинакам севги ва садоқат достони бўлиш бу асарда Шароф ака ва у кишининг меҳрибон рафикаси, оқила ва мунис ўзбек аёли Хурсаной опанинг ибратли

ҳаёти ва тақдири мужассам бўлган-дек туюлади.

Ҳақиқатан ҳам, бу матонатли аёл умр бўйи Шароф Рашидов билан ҳамнафас бўлиб, ҳаётнинг барча синовларига бардош бериб, энг оғир дамларда ҳам умр йўлдошига содиқ бўлиб яшади. Бундай бебаҳо ғазилатлари билан бу муштилар опамиз халқимиз ўртасида чинакам вафо ва садоқат тимсолига айланди.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтишни ўринли, деб биламан: Шароф ака ва Хурсаной опанинг берган таълим ва тарбияси, шахсий намунаси туфайли уларнинг оиласи, фарзандлари ўз ота-оналарига муносиб бўлиб, эл-юртга фидойилиги билан бу қўтлуғ хонадон номини доимо пок сақлаб келмоқда. Бундай ҳислатлар кўп миллатли халқимиз, юртимиздаги барча оилалар учун ҳар томонлама ўрнак ва ибратга лойиқ бўлган маънавий ҳодисадир.

Қадри ватандошлар!
Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун биз ўзбек халқининг буюк фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирар эканмиз, унинг номи ва ҳаёти Ватанимиз, халқимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ эканига яна бир бор амин бўлмоқ-дизамиз.

Шароф Рашидовнинг мураккаб, шу билан бирга, шарафли ҳаёт йўлида ўзбек халқининг XX асрдаги тақдири ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Улуг Ватан уруши бошланishi билан у биринчилар қаторида фронтга отланди ва душман билан курашда ҳақиқий мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатди. Оғир яралангандан сўнг Ўзбекистонга қайтиб, бор куч ва ғайратини аямасдан, турли лавозимларда ишлади.

Шароф Рашидов ўта машаққатли йилларда Ўзбекистонга қарийб чорак аср давомида раҳбарлик қилди. Унинг раҳнамолигида республикамиз иқтисодий тараққиёт, илм-фан, таълим ва соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида улкан муваффақиятларга эришди.

Минглаб гектар қаровсиз ерлар ўзлаштирилди. Ўзбекистон ҳаритасида янги шаҳар ва қишлоқлар пайдо бўлди, юзлаб завод ва фабрикалар қурилди, боғу роглар барпо этилди. 1966 йилдаги кўлаб вайронагарчиликлар келтирган зилзиладан сўнг қисқа муддатда замонавий Тошкентнинг мустаҳкам пойдевори яратилди.

Бугунги маросимда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан Шароф Рашидов билан узок йиллар давомида бирга ишлаган вакиллар иштирок этаётгани бу тадбирга алоҳида руҳ ва маъно-мазмун бағиш-ламоқда. Уларнинг орасида атоқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, маданият ва санъат намояндалари борлигини таъкидлаш лозим.

Биз, шунингдек, Шароф Рашидовни яхши таниган ва яқиндан билган мухтарам меҳмонларимизни самимий қўтлашдан мамнунмиз.

Булар учувчи-космонавтлар — ватандошимиз Владимир Жоникбеков ва Солижон Шарипов, таниқли селекционер олим Иван Кузьмин, Шароф Рашидов ҳақидаги қатор китоблар муаллифи, ёзувчи Фёдор Раззоков ва бошқалардир.

Қадри меҳмонлар, Шароф Рашидовнинг хотирасига бўлган ҳурмат ва эҳтиромингизни биз аввало бутун Ўзбекистон халқига бўлган ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Барчангизга самимий миннатдорлик билдириб, чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад тилайман.

Мухтарам юртдошлар!

Бундан бир йил муқаддам халқимизнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, Шароф Рашидовнинг 100 йиллик таваллуд тўйини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш, у киши тўғилиб камолга етган мана шу заминда муқташам ёдгорлик мажмуасини барпо этишга қарор қилган эдик.

Шу асосда Жиззах туманига Шароф Рашидовнинг муборах номи берилган халқимиз томонидан катта хурсандчилик билан қўтиб олинди.

Ўтган қисқа вақт давомида ушбу мажмуада Жиззах аҳли, бутун республикамиздан келган қўли гул усталар, курувчи ва меъморлар, мутасадди ходимлар сидқиқилдан меҳнат қилдилар. Натижада бу ёдгорлик мажмуаси табарруқ зиёратгоҳга айланганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган барча-барча юртдошларимизга самимий миннатдорлик билдираман.

Шулар қаторида Шароф Рашидовнинг хотирасини абадийлаштириш, бу улуг инсон ҳақидаги тарихий адолатни тиклаш мақсадида янги илмий ва бадий асарлар, мақола ва хотиралар ёзган, спектакль ва фильмлар, ҳайкаллар яратган ижодкор зиёлиларимизга ҳам чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Ишончим комил, бу гўзал масканга қадам қўйган хар бир одам, авваламбор, ёшларимиз Шароф Рашидовнинг нури сиймосида мард ва матонатли халқимизга ҳос олижаноб ғазилатларни кўргандек бўлади.

Бу улуг инсоннинг бетақор тимсоли барчамизни Ватани ҳақиқий фарзандлик меҳри билан севишга, унга ва ўзбек халқига садоқат билан хизмат қилишга дэъват этиб туради.

Азиз дўстлар!

Ҳаммангиз яхши хабардорсиз, кейинги бир йил давомида юртимизнинг турли ҳудудларида Ибрат домла, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф сингари улуг адибларимиз хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари, уларнинг номидаги ижод мактаблари барпо этилди.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида куни кеча Жиззах шаҳрида миллий адабиётимизнинг улкан намояндалари — Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига қўйилган муаззам ҳайкал очилди. Уларнинг номи билан аталган хиб-бон, ижод мактаби ва музей ўз ишини бошлади.

Бор-йўғи ўттиз беш йил яшаб, адабиётимиз осмонига чакмоддек чакнаган нодир истеъдод соҳибига Ҳамид Олимжон ва атоқли шоира Зулфияхонимнинг ҳаёт ва ижод йўли ёш авлоднинг учун ҳар жиҳатдан ибрат намунасиридир.

Ана шу ижод маскани ёшларимиз, энг аввало, мунис ва лобар қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, уларни Зулфияхоним каби вафодор, доно ва оқила, ўз юртига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда мустаҳкам замин бўлади.

Бу маънавият қосонасининг эшикларини нафақат Жиззах вилояти, балки бутун мамлакатимиз ёшлари учун очикдир.

Бугунги маросимда иштирок этаётган сиз, азизлардан битта илтимосим бор: фарзандларимизни, айниқса, қизларимизни мана шундай гўзал масканларга кўпроқ олиб келсак, уларни адабиёт ва санъатнинг сирли дунёси билан ошно этсак, уйлайманки, нур устига нур бўларди.

Мен ишонаман, ушбу тақлифимни Жиззах аҳли ва бутун халқимиз албатта қўлаб-қувватлайди.

Қадри ватандошлар!

Муқаддас китобларимизда, яхшиликнинг муқофоти фақат яхшилик эканига алоҳида ургу берилди.

Шароф Рашидов умр бўйи ўз халқига, барча соф ниятли инсонларга яхшилик қилиб, уларни улуг мақсадлар йўлида бирлаштириб, эзгу ишларга сафарбар этиб яшади.

Бу олижаноб, донишманд ва бағрикенг инсон, қандай суронли синовларга дуч келган бўлмасин, юксак гуманистик ғояларга доимо содиқ бўлиб, халқимиз қалбига яхши ном, сўнмас хотира қолдирди.

Бугун Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасига кўрсатилаётган чексиз эҳтиром, ҳурмат ва иззат бу фикримни яна бир бор яққол тасдиқлаб турибди.


Мухтарам дўстлар, кадрдонлар!

Буюк арбоб, улуг инсон ўзбек халқининг атоқли фарзанди Шароф Рашидовнинг охирақлари обод бўлсин!

Азиз фарзандларининг хотирасини ардоқлаб, руҳларини шод этиб яшаётган халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо, эл-юртимиз фаровон бўлсин!

Этиборингиз учун раҳмат.



ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда

Илдизлари мустаҳкам дарахт қўкка бўй чўзади. Тарихини билган, қадрлаган халқнинг мартабаси баланд, келажаги буюк бўлади.

Мамлакатимиз бутун дунёда ана шундай ҳурмат-этибор қозонган. Ўтганлар руҳини шод этиш, хайрли ишларини эслаш ва улуглаш миллий қадриятимизга айланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»-ги қарори бу борадаги ишларнинг, миллий гуруҳ-ифтихорнинг юксак намунаси бўлди.

6 ноябрь — Шароф Рашидов туғилган куни Жиззахда ушбу санага бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Дастлаб эҳсон дастурхони ёзилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Жиззах шаҳри марказида ўрнатилган Шароф Рашидов ҳайкалининг очилиш маросими бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, адабиёт ва санъат намояндалари, вилоят аҳли, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган юртдошларимиз, чет эллик меҳмонлар, ёшлар иштирок этди. Шароф Рашидовнинг фарзандлари, дўстлари, ҳамкасблари, шоғирдлари ва бошқа яқинлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти, юксак инсоний ғазилатлари, халқимиз манфаатлари йўлидаги буюк хизматлари ҳақида сўз юритди.

Шароф Рашидов 1917 йил 6 ноябрда Жиззах шаҳрида туғилган. Жиззах педагогика техникуми, Самарқанд давлат университетининг филология факультетида ўқиган. Фаолиятини Самарқанд вилояти газетасида бошлаб, билим ва қобилияти юксаклиги боис университетнинг охири курсида ўқиб юрган давридаёқ ушбу газетга муҳаррир бўлган.

Иккинчи жаҳон урушидан 1942 йил ярадор бўлиб қайтган. Ўттиз ёшида республиканинг ўша пайтдаги энг нуфузли наشري — «Кизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир этиб тайинланган.

Шароф Рашидов шоир, ёзувчи ва публицист сифатида танилган. Унинг «Чегарачи» достони, «Қаҳрим» шеърлар тўлаими, «Икки дил достони» асари, «Бўрондан қучли», «Қудратли тўқтин», «Ғолиблар» каби романлари шўҳрат қозонган. Атоқли адиб 1949 йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси этиб сайланган.

У 1959 йил Ўзбекистон раҳбари этиб сайланганда эндигина қирқ ёшдан ошган эди. Шароф Рашидов бу юксак вазифада қарийб чорак аср фидойилик билан ишлади.

Бу жуда мураккаб, зиддиятли давр эди. Шароф Рашидов шундай шароитда ҳам халқига фарзандлик бурчини адо этди.

Мирзачўл, Қарши, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши, миллионлаб гектар қўриқ ерларда бог-роғлар ва озик-овқат экинларининг жой олиши узокни ўйлаб амалга оширилган эди. Бу майдонлар бугун ҳам халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Шароф Рашидов раҳбарлиги даврида Ўзбекистон ҳаритасида Навоий, Зарафшон, Янгиер, Гулистон ва бошқа ўнлаб шаҳарлар пайдо бўлди. Республиканинг барча ҳудудига қурилиш ва ободончилик ишлари авж олди. Жуда кўп ишхотлар — заводлар, фабрикалар, шифохоналар, олий ўқув юртлари, йўللар, мактаблар қурилиши, конларнинг очилиши у кишининг номи билан боғлиқ.

Бу даврда пойтахтимиз Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Бу, айниқса, Тошкент зилзиласидан кейин янада чирой очди. Тошкент метрополитени, «Истиклол» санъат саройи, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Тошкент телеминораси пойтахтимизнинг қўрқи ҳисобланган.

Шароф Рашидов нияҳида камтар, очикқўнғил одам бўлган. Чўпон билан чўпондек, деҳқон билан деҳқон тилида гаплашган. Хар қандай шароитда одамларнинг қалбига йўл топа билган.

Атоқли давлат арбоби раҳбарлик борасида ҳам улкан мактаб яратган. У кишининг донолиги, дипломатлиги,

одиллиги ва айни пайтда оддийлиги барча раҳбарларга намуна бўлган.

Шароф Рашидов ўта зиёли киши бўлган. Фарзандларига ҳам пухта сабоқ берган. У кишининг фарзандлари, невар-чеваралари турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Шароф Рашидов вафотидан кейин республиканинг иқтисодий тараққиёти сустлашди. Бу аввало ўша пайтдаги нотўғри сиёсат, қолаверса, халқ обрўли, тажрибали йўлбошчини йўқотганининг оқибати бўлди. Қучли раҳбарсиз, ҳимоячисиз қолган юртимиз ёвуз тажриба майдонига айлантирилди.

Албатта, у ўз даврининг фарзанди эди, ўша пайтдаги тузумга хизмат қилди. Аммо дунёдан ўтганида бу тузум унга хиёнат қилди. Хотирасини таҳқирлади, яқинларини таъқиб этди.

Республика раҳбарлигига Ислам Каримов келгач, барча тўхмат ва таъқибларни тўхтатди. Тарихий адолат тикланди. Унинг пок номи оқланди. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1992 йил Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги кенг нишонланди.

Шавкат Мирзиёев маросимдаги сўзида яхшиликнинг муқофоти фақат яхшилик эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг эътибори билан элу юртимизга меҳнати сингган инсонларнинг ҳурмати жойига қўйилмоқда, ўтганлар хотираси улугланмоқда. Кейинги бир йилда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Тошкент ва Самарқандда Ислам Каримов, Наманган вилоятида Исҳоқжон Ибрат, Хоразм вилоятида Комилжон Отаниёзов, Қорақалпоғистонда Ибройим Юсупов, Фарғонада Эркин Воҳидов, Қашқадарёда Абдулла Орипов, Андижонда Мухаммад Юсуф хотиралари абадийлаштирилди. Уларнинг номи билан аталган марказлар, ижодий мактаблар ташкил этилди. Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуаси очилди.

Юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги нишонланиши халқимизни беҳад қувонтирди.

Жиззахда бу воқеага катта тайёргарлик қўрилди. Вилоят марказида Шароф Рашидов хибони янгидан барпо этилди. 3 гектардан зиёд майдон қўқаламзор-лаштирилди. Ҳудудга Бельгиядан келтирилган тоғ қарагайи, қорақайин, лола дарахти каби 20 дан ортқ дарахт турлари экилд. Диаметри 24 метр бўлган рангли фаввора қурилди.

Хиббон тўрида қўр тўкиб турган «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ҳам реконструкция қилинди. Унинг икки томонида жойлашган «Бўстон» ва «Наврўз» мажмуалари тўла таъмирланиб, йирик анжуманлар ўтказиш учун қулай шароитлар яратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги О.Салимов, меҳнат фахрийси И.Жўрабеков, учувчи-космонавт В.Жоникбеков, меҳнат фахрийси Қ.Қамалов, академик С.Рашидова Шароф Рашидов билан боғлиқ хотиралари, у кишининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлади.

Шароф Рашидов ҳайкалининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Шароф Рашидовнинг қизи Сайёра Рашидова очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси янгради.

Шароф Рашидов ҳайкали пойга гуллар қўйилди.

Шавкат Мирзиёев юбилей арафасида қуриб битказилган Шароф Рашидов мемориал музейида бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар ва экспонатлар билан танишди.

Музейга кираверишда Президентимизнинг «Ҳеч шубҳа йўқки, Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди», деган сўзлари битилган. Бинонинг ички ва ташқи қисми миллий меъморчилигимиз аънавалари асосида безатилиб, анжуманлар залида Шароф Рашидов фаолиятига доир фильмларни намойиш этиш имконияти яратилган.

Музейида атоқли давлат арбоби ва ёзувчининг ҳаёт йўли ва ижодида дахлдор 2 минг 700 дан ортқ экспонат бор. Улар Шароф Рашидовнинг болалик даври, талабалик йиллари, муҳаррирлик даври, Ўзбекистонда чўл ва қўриқ ерларни ўзлаштириш, бунёдкорлик жараёнидаги фаол иштироки, ижтимоий-сиёсий ва адабий фаолияти ҳамда бошқа мазмуаларга бағишланган ўнла бўлимга ажратилган.

► Давоми 4-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИМАХСУС ТУРДАГИ ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ
ВА ИМПОРТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ,
ШУНИНГДЕК, ЭКСПОРТ
КОНТРАКТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА
ИМПОРТ КОНТРАКТЛАРИНИ
ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШНИ ТАРТИБГА
СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 апрелдаги «Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5012-сон ва 2017 йил 31 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4996-сон фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-2887-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, экспорт-импорт операцияларини бошқариш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгиллаб қўйилсинки, 2017 йил 10 ноябрдан бошлаб:

ушбу Фармонга 1-иловага киритилган махсус турдаги товарлар экспорти ва импорти лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолияти, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти томонидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ёки Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ёхуд Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Хўкумати) томонидан ёки унинг қаролати остида жалб этилган кредитлар (қарзлар) (тижорат банклари томонидан қайта молиялаштириладигани бундан мустасно), шунингдек, устав капиталда давлат улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил қиладиган ҳўжалик субъектлари ва устав капиталдаги улушнинг 50 фоиздан ортиғи устав капиталда давлат улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этадиган ҳўжалик субъектларига тегишли бўлган юридик шахслар маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ҳамда тўғридан-тўғри музокара-лар яқунлари бўйича тузилган ва битта шартнома бўйича суммаси 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқни ташкил этадиган импорт шартномалари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан экспертизадан ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ёки Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ёки Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси Хўкумати) томонидан ёхуд унинг қаролати остида жалб этилган кредитлар (қарзлар), шунингдек, устав капиталда давлат улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этадиган ҳўжалик субъектлари ва устав капиталдаги улушнинг 50 фоиздан кўпроғи устав капиталда давлат улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этадиган ҳўжалик субъектларига тегишли бўлган юридик шахслар маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган, битта тендер (танлов) бўйича суммаси 100 минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқни ташкил этадиган тендер (танлов) савдолари доирасида тендер (танлов)

ҳўжатлари экспертизаси ёки тендер (танлов) тақлифларини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади. Бунда тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича тузилган импорт контрактлари қўшимча экспертизадан ўтказилмасдан ҳисобга қўйилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигига:

Ўзбекистон Республикаси Ҳўкуматининг қарорлари ва ҳўкуматлараро битимлар асосида тузилган;

ушбу Фармонга 2-иловага киритилган товарларни (ишлар, хизматларни) экспорт қилишга контрактларни (шартномаларни) рўйхатдан ўтказиш юклансин, биржада тузилган контрактлар (шартномалар) бундан мустасно.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилишга лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой мuddатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Импорт контрактларини ва тендер (танлов) ҳўжатларини экспертизадан ўтказиш, шунингдек, тендер (танлов) тақлифларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини бир ой мuddатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда экспорт контрактларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳўжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳўжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзғартехсаноат-холдинг» АЖ бошқаруви раиси Н.С.Отажонов, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Э.М.Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси А.И.Ахмедходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 3 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА
ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ
Қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, ташқи бозорларда талаб юқори бўлган маҳсулотларнинг экспорт ҳажмлари ва турларини кўпайтириш, тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

1. 2017 йил 1 декабрдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) хизматларни (ишларни) экспорт қилиш операциялари бўйича — бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб, товарларни экспорт қилиш операциялари бўйича эса — божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан бошлаб мuddати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлишини ҳисоблашининг ягона мuddати 120 кун этиб белгиланади, қўйиладиган:

Ўзбекистон Республикаси резидентлари — муассислар томонидан чет элдаги ташкилотларига (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шўъба корхоналари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация омборларига);

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг аъзолари томонидан — Палатанинг савдо-инвестиция уйларида олиб чиқиб кетиладиган товарлар бундан мустасно;

б) тадбиркорлик субъектларига товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини олдиндан тўлов, очилган аккредитив, расмийлаштирилган банк кафолати ва экспорт контрактини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан сугурта қилиш бўйича полис мавжуд бўлмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳўқуқи берилди, янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари ва ушбу қарорга иловада кўрсатилган товарлар (кейинги ўринларда ҳам ашё товарлари деб аталади) бундан мустасно.

Бунда экспортга божхона расмийлаштируви, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида (кейинги ўринларда ТСОЯЭА тизими деб аталади) ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотномасиз амалга оширилади, ушбу қарорга иловада кўрсатилган ҳам ашё товарлари, шунингдек, инвойс асосида экспорт қилинадиган товарлар бундан мустасно.

Белгилансинки, товарлар, ишлар ва хизматлар экспортни фақат олдин амалга оширилган экспорт операциялари бўйича тадбиркорлик субъектлари мuddати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлганлиги учун импорт қилувчиларга нисбатан экспорт операциялари бўйича мuddати ўтказиб юборилган дебитор қарздорликка йўл

қўйган экспорт қилувчилар учун назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади;

г) енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) таъсири юзга келган ҳолатда хорижий валютадаги тушумнинг тушиши мuddати ушбу таъсир юз берган давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган, енгиб бўлмайдиган кучнинг амал қилиши даврига узайтирилади;

д) товарлар, ишлар ва хизматлар экспорт қилувчининг ҳисоб рақамига экспорт контрактини сугурталаш полиси бўйича сугурта қопламаси суммаси (миллий ва/ёки хорижий валюталарда) тушганда, ушбу экспорт контракт бўйича дебитор қарздорлик суммаси молиявий санкцияларни қўллаш мақсадида учун сугурта қопламаси суммасига камайтирилади;

е) божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўлланилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб қилинадиган товарларнинг божхона қийматини тасдиқлаш учун импорт қилувчилар томонидан экспорт божхона юк декларацияси мажбурий тақдим этилиши бўйича талаб бекор қилинади;

ж) «вақтинча олиб кириш» божхона режими остидаги товарларни қайта экспорт қилишга давлат божхона хизматлари органлари томонидан рухсатнома берилиши бўйича талаб бекор қилинади.

2. 2017 йил 1 декабрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига товарларни (маҳсус товарлардан ташқари), ишлар ва хизматларни экспорт контрактини тузмасдан, инвойслар асосида, экспорт қилувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидидаги ҳисоб рақамларига олдиндан тўлов 100 фоиз тушгандан сўнг ва ТСОЯЭА тизимига маълумотларни кириштириш шартли билан экспорт қилиш ҳўқуқи берилсин.

Бунда янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз маҳсулотлари, дуккаклилар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни экспорт қилишга қонун ҳўжатларига мувофиқ алоҳида талаблар белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги:

экспорт қилинадиган товарларнинг асосий турлари бўйича ташқи бозорларнинг хорижий ва истиқболли конъюнкту-расига доир доимий равишда чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказилишини;

тадбиркорлик субъектларининг экспорт қилинадиган маҳсулотлари турларини кенгайтириш учун янги салоҳиятли имкони-ялар аниқланишини таъминласинлар.

4. 2018 йил 1 январдан бошлаб ТСОЯЭА тизимини техник қўллаб-қувватлаш ва ундан фойдаланиш бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2018 йил 1 январга қадар ТСОЯЭА

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 3 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Махсус турдаги товарлар экспорти ва импорти лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорлигини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, ташқи савдо операцияларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш, экспортни рағбатлантириш ва кенгайтиришга доир тизимли ишлар иччил амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан буён ташқи савдо операцияларини амалга ошириш тартиб-таомилларини соддалаштиришга ва экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бир қатор норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар қабул қилинди.

Валютани тартибга солиш бўйича бозор механизмларининг жорий этилиши экспорт қилувчи корхоналар реал даромадларини ва уларнинг ташқи савдо бозорларида рақобатбардошлигини ошириш имконини берди.

Шу билан бирга, халқ билан очик мулоқот, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, жумладан, кенг доирадаги тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилаётган учрашувлар қай ҳам ортиқча бўлинлар, тўқшлар, замонавий талабларга жавоб бермайдиган ва маҳаллий тадбиркорларнинг ташқи савдо фаолиятини янада кенгайтиришга йўналтирилган бир қатор норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Шу муносабат билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ва тўланган тажриба, тадбиркорлик субъектлари турли тоифаларининг

тақлифларини ва илғор халқаро тажрибани ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Махсус турдаги товарлар экспорти ва импорти лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ва «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида махсус турдаги товарларни экспорт ва импорт қилиш, экспорт контрактларини рўйхатга олиш, шунингдек, импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш ва тендер ҳўжатларини баҳолаш тартибининг янада такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, экспорт-импорт тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва махсус турдаги товарларни экспорт ҳамда импорт қилиш учун лицензиялар бериш функцияларини ягона органда бirlаштириш мақсадида Фармонда лицензиялаш функцияларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигидан, Вазирлар Маҳкамасига ўтказиш назарда тутилган. Бунда заргарлик буюмлари, қимматбаҳо металллардан асалган буюмлар, қимматбаҳо тошлар ҳамда улардан тайёрланган буюмлар лицензияланмайдиган товарлар рўйхатидан чиқарилган.

Бундан ташқари, бир-бирини тақдорлайдиган тартиб-таомилларни истисно қилиш мақсадида Фармонда импорт шартномаларини Ўзбекистон Республикаси

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан экспертизадан ўтказишга доир амалдаги тартибни соддалаштириш ҳамда унга ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда. Жумладан, қиймати 100 минг АҚШ долларидан кам миқдордаги импорт контрактларини экспертизадан ўтказиш тартиб-таомиллари бекор қилинмоқда.

Шунингдек, тендер (танлов) савдо-ларини ўтказиш даврида бир вақтнинг ўзида тендер (танлов) ҳўжатларини экспертизадан ўтказиш ёки тендер (танлов) тақлифларини баҳолаш тартибининг жорий қилган ҳолда, тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича тузилган қиймати 100 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлган импорт контрактларини ҳам экспертизадан ўтказиш бекор қилинмоқда. Бунда тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича тузилган импорт контрактлари қўшимча экспертизадан ўтказилмасдан ҳисобга қўйилади.

Фармонда мамлакатимизнинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш мақсадида Ҳўкумат қарорлари ва ҳўкуматлараро битимлар асосида тузилган, шунингдек, чекланган рўйхат бўйича махсус турдаги ҳам ашё товарларини экспорт қилиш контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигидан рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилини сақлаб қолиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, экспорт қилувчи корхоналар, уларнинг янги, шу жумладан, истиқболли хорижий савдо бозорларини фаол ўзлаштириши учун қўлай шартлол яратишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар жорий этилмоқда.

Чунони, экспорт операциялар бўйича

мuddати ўтган дебиторлик қарзи ҳосил бўлишини ҳисоблаш мuddати узайтирилиб (60-90 кундан), ҳисоблашининг ягона мuddати белгиланмоқда, яъни маҳсулот экспортга жўнатилган кундан бошлаб 120 кун этиб белгиланмоқда.

Бунда Ўзбекистон Республикаси резидентлари — муассислар томонидан чет элдаги ташкилотларига (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шўъба корхоналари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация омборларига), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзолари томонидан — Палатанинг савдо-инвестиция уйларида олиб чиқиб кетиладиган товарлар бўйича тўловлар келиб тушушининг амалдаги мuddатлари (180 кун) сақлаб қолинади.

Европа иттифоқи давлатлари, Туркия, Хитой ва бир қатор МДҲ мамлакатларининг (Россия, Қозғоғистон, Беларус) ташқи савдонинг тартибга солиш соҳасидаги илғор тажрибасини ўрганиш ушбу давлатларда тадбиркорлик субъектлари ўз маблағларидан эркин, ўз ихтиёрига қўра ва чекловларсиз фойдаланиши, экспорт қилиш шакллари ҳамда тўлов мuddатларини танлаши мумкинлигини, шунингдек, товарларни ташқи савдо контрактларини тузмасдан экспорт қилиш ҳўқуқига эга эканлигини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан, шунингдек, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига ўз маблағларини эркин тасарруф этиш бўйича берилган ҳўқуқлар инोбатта олинган ҳолда, қарорга мувофиқ шундай тартиб жорий

этилмақда, унга қўра товарлар, ишлар ва хизматларни олдиндан тўлов тўламасдан, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирилмасдан ва сугурта полисисиз хорижий валютада экспорт қилишга рухсат этилмақда, янги мева-сабзавот маҳсулотлари ва айрим турдаги ҳам ашё товарлари бундан мустасно.

Қарорда чегарасолди савдосини ривожлантириш ва экспорт тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига 2017 йил 1 декабрдан бошлаб, товарлар (ҳом ашё товарларидан ташқари), ишлар ва хизматларни экспорт қилувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидидаги ҳисоб рақамларига олдиндан 100 фоиз тўлов тўлангандан сўнг экспорт контрактини тузмасдан инвойслар асосида экспорт қилиш ҳўқуқи ҳам берилмоқда.

Бунда янги мева-сабзавот, узум, полиз, дуккакли маҳсулотлар, шунингдек, қуритилган сабзавотлар ва меваларни экспорт қилишга нисбатан қонун ҳўжатларига мувофиқ алоҳида талаблар белгиланмоқда.

Шунингдек, қарорда ташқи савдо фаолиятининг барча иштирокчилари учун тенг шaroитлар яратиш, экспортдан валюта тушумларининг тушуш мuddатлари объектив сабабларга қўра кечиктирилган ҳолатларда экспорт қилувчиларга нисбатан молиявий санкцияларни асосиз қўллашга йўл қўймаслик, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида:

мuddати ўтган дебиторлик қарзи ҳосил бўлишига йўл қўйилганлиги учун ҳам экспорт қилувчиларга, ҳам импорт қилувчиларга нисбатан жавобгарлик чораларини

тизими, унинг техник ҳўжатлари ва маълумотларни қайта ишлашда фойдаланиладиган дастурий воситаларнинг бирламчи кодлари билан биргаликда қабул қилинишини — берилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ТСОЯЭА тизими ишнинг такомиллаштириш мақсадида манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузсин, унга 2018 йил 1 июлгача бўлган мuddатда экспорт ва импорт қилувчилар томонидан маълумотлар ТСОЯЭА тизимига киритилиши тартибининг соддалаштириш вазифаларини юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳўзуридаги Усимликлар карантини давлат инспекцияси, Давлат ветеринария қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Узоқданд» агентлиги ва «Ўзбекэкспертиза» акциядорлик жамияти экспорт-импорт операцияларини амалга оширишни тезлаштириш, товарларни божхонада расмийлаштириш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши самарадорлигини ошириш мақсадида берилган сертификатлар ва рухсат бериш тусидаги ҳўжатлар тўғрисидаги маълумотлар «Ягона дарча» унификациялаштирилган божхона ахборот тизимига ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда киритилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўргазма тадбирларини ўтказишга мўлжалланган товарларни (маҳсулотларни) олиб чиқиб кетиш тартибининг соддалаштиришини назарда тутувчи норматив-ҳўқуқий ҳўжат лойиҳасини киритсин;

икки ой мuddатда ушбу қарордан келиб чиқиб қонун ҳўжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

ушбу қарор билан киритилган нормаларнинг самарадорлиги мониторингинг доимий равишда олиб борилишини таъминласин ва, зарурат бўлганда, қонун ҳўжатларини янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзғартехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раиси Н.С.Отажонов, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Э.М.Ғаниев, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Р.Парпиев ва Давлат божхона қўмитаси раиси М.В.Тоҳирий зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ, УЗУМ, ПОЛИЗ,
ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР, ШУНИНГДЕК, ҚУРИТИЛГАН
САБЗАВОТ ВА МЕВАЛАРНИ МАҲАЛЛИЙ ЭКСПОРТ
ҚИЛУВЧИЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Бўйича ҚўШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспорт қилинадиган янги мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларнинг (кейинги ўринларда мева-сабзавот маҳсулотлари деб юритилади) ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларининг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида:

1. «Ўзбекзоиқовқатхолдинг» ХК, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Савдо-саноат палатасининг қуйидагилар тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

а) ҳўжалик юритувчи субъектларга экспорт контракт (шартномаси) тузмасдан қуйидаги шартларга риоя қилган ҳолда инвойс асосида мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини амалга ошириш ҳўқўқини бериш;

етказиб бериш суммаси экспорт божхона декларациясини расмийлаштириш кўнида 20 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслиги;

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли тижорат банкларидаги ҳисобварақларга Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан хорижий валютада, шу жумладан банк ўтказмалари, халқаро банк карталари орқали тўловлар, шунингдек, тижорат банкларининг айирбошлаш шохобчаларида сотиб олинган миллий валютадаги нақд пул маблағларини киритиш шаклида 100 фоизлик олдидан тўлов олиш;

Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига экспортга етказиб бериш ҳақидаги маълумотларни киритиш;

б) экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотларининг фактура қийматига уларни сақлашда, ташвишда ва сотишда қўнун ҳўжатларида белгиланган табиий йўқотиш нормативлари доирасида тузатишлар киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда ўн кўн мўддатда экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотларининг табиий йўқотиш нормативлари ва уларнинг фактура қийматига тузатишлар киритиш тартибини белгилайдиган

Ҳўкумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йил 15 ноябрдан бошлаб: юридик шахслар томонидан мева-сабзавот маҳсулотлари кейинчалик экспорт қилиш учун жисмоний шахслардан сотиб олинганда, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан сотилган маҳсулотлар уларга ёки уларнинг оила аъзоларига ажратилган ер участкаларида етиштирилганлигини тасдиқловчи ҳўжатни тақдим қилмасдан қўлланилади;

экспорт қилувчида олдинги экспортга етказиб бериш бўйича мўддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлганда, товарларни чиқариш фақат мўддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган чет эл харидорига рухсат этилмайди;

мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга юк божхона декларациясини расмийлаштириш қўрик ҳўжати тузилганидан кейин 3 оатдан қўп бўлмаган мўддатда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда «Ўзбекзоиқовқатхолдинг» ХК билан биргаликда 2017 йил 15 ноябрга қадар мўддатда мазкур қарорнинг 1-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимини такомиллаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта мўддатда:

Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси ва экспорти соҳасидаги халқаро шартномаларини инвентаризациядан ўтказишни;

амалдаги импорт божхона божлари, акциз солиғи ва йиғимлар ставкаларини, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, ташвиш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларининг потенциал импорт қилувчи хорижий мамлакатларда сотишда санитария норма ва

қоидаларини танқидий ўрганишни таъминласин.

5. Ташқи савдо вазирлиги инвентаризация ва танқидий ўрганиш якунлари бўйича 2017 йил 1 декабрга қадар мўддатда:

Ўзбекистон Республикасининг мева-сабзавот маҳсулотларининг савдоси ва экспорти соҳасида янги халқаро шартномалар тузиш ҳамда амалдагиларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни;

амалдаги норматив ҳўжатлар, санитария норма ва қоидалар, фитосанитария талабларини халқаро стандартлар, шунингдек, маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларининг потенциал импорт қилувчи хорижий мамлакатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда қайта қўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. «Ўзстандарт» агентлиги: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳўзуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда йиғирма кўн мўддатда республикада халқаро стандартларни, шу жумладан «ISO 22000», «Халол» стандартларини жорий этиш ва кейинчалик қўллаш бўйича чора-тадбирлар дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикасида берилган мувофиқлик сертификатларини маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларини асосий истеъмол қилувчи давлатларда, шу жумладан икки томонлама ва қўп томонлама битимларни тузиш, шунингдек, лабораторияларни модернизация қилиш орқали тан олинсини таъминлаш чораларини қўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳўзуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда экспорт қилувчи томонидан зарур ҳўжатлар тақдим қилинган вақтдан қўпи билан бир кўнни давомда мева-сабзавот ҳамда тез бузиладиган маҳсулотларнинг экспорти учун сертификатлар беришни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва «Ўзбекзоиқовқатхолдинг» ХК:

мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга етказиб беришнинг асосий номенклатураси бўйича ташқи бозорларнинг жорий ва истиқболдаги конъюнктураларини доимий асосда қўқур ўрганишни;

мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг янги истиқболли йўналишларини аниқлаш ҳамда тури ва навиға боглиқ ҳолда маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабни аниқлаш ҳисобига уларнинг номенклатурасини кенгайтиришни таъминласин.

9. «Ўзбекзоиқовқатхолдинг» ХК Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой мўддатда ҳақиқий эҳтиёж ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини ташвиш йўналишларини қўқур ўрганиш асосида Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаш, сақлаш ва ташвиш бўйича логистика марказларини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, лойиҳаларнинг аниқ рўйхати белгилансин, марказларни оптимал ва оқилона жойлаштириш, уларни ташкил этиш мўддатлари, халқаро ва хорижий молия институтларининг маблағлари билан бирга чет эл инвестицияларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

10. Божхона тартиб-таомиллари ва экспорт-импорт операцияларини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб юритилади) илова мувофиқ ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳ 2018 йил 1 февралга қадар мўддатда божхона тартиб-таомиллари ва экспорт-импорт операцияларини тартибга солувчи қўнун ҳўжатларини халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Тижорат банклариға мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар ва тайёрлов ташкилотларининг депозит ҳисобварақларидан

уларнинг буюртмалари бўйича мева-сабзавот маҳсулотлари сотиб олиш учун нақд пул маблағлари беришни таъминлаш тавсия этилсин.

12. «Ўзбекзоиқовқатхолдинг» ХК импорт ва экспорт қилувчилар учун, шу жумладан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, уларнинг нави ва нархлари, шунингдек, чет эл харидорлари томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олишга бўлган талаблар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона ахборот порталини юритишни таъминласин.

13. «Ўзбекзоиқовқатхолдинг» ХК Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ўн кўн мўддатда қўнун ҳўжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С.Отажонов икки кўн мўддатда мазкур қарор талаблари бажарилишининг бориши устидан таъсирчан назорат қилиш, мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг тасдиқланган параметрларига эришишни тизимли мониторинг қилиш ҳамда аниқланган муаммолар масалаларни тезкорлик билан ҳал қилишни таъминлаш бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ва мутахассисларидан махсус гуруҳни шакллантирсин, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қарор қабул қилиш учун асослантирилган таклифларни киритсин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров, Н.С.Отажонов ва З.Т.Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг раиси М.Б.Нурмуратов, «Ўзбекзоиқовқатхолдинг» ХК раиси Т.А.Жалилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 6 ноябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш ва бюджетга молиявий тушумларни ошириш қўпинча мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни (кейинги ўринларда мева-сабзавот маҳсулотлари деб юритилади) маҳаллий экспорт қилувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилганлигига боглиқ бўлади.

Замонавий бозор механизмларини жорий этиш ва қатор товарларни экспорт қилиш тартибини соддалаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилганлигига қарамастан, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорти ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтиришга тўсқинлик қилувчи камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, жисмоний шахслар томонидан уларнинг ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш назарда тутилди.

Хусусан, бугунги кўнда экспортга йўналтирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг 90 фоизидан ортиғи кичик ишлаб чиқарувчилар томонидан ёрдамчи ҳўжаликларда, шу жумладан томорқа участкаларида етиштирилмоқда. Мазкур ишлаб чиқарувчилар чет эл харидорлари билан шартномалар тузиш ва рухсат берувчи тартиб-таомиллардан ўтиши лозимлиги сабабли маҳсулотларини мустақил равишда экспорт қилиш имкониятига эга эмас.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, Давлат раҳбарининг қарори билан тадбиркорлик субъектларига экспорт контракт тузмасдан уларнинг тўлови ва етказиб берилиши бўйича шартларга риоя қилган ҳолда инвойс асосида мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини амалга ошириш ҳўқўқини берилди, бу халқаро амалиётга мувофиқдир.

Қарор билан божхона органлари томонидан экспорт қилинаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг табиий йўқотиш нормативини ҳисобга олиш тартиби мавжуд эмаслиги билан боглиқ бошқа муаммолар масала ўз ечимини топди. Ҳисобга олинмаган табиий йўқотиш асосида дебитор қарздорлик юзага келишига, тегишлича, келиб тушмаган валюта маблағларининг 70 фоизига қадар миқдорда жарима қўлланилишига олиб қелган.

Бундан келиб чиққан ҳолда, қисқа мўддатда экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, ташвиш ва сотишда табиий йўқотиш нормативлари, шунингдек, уларнинг фактура қийматига тузатишлар киритиш тартибини белгилан топширилди. Кейинчалик экспорт қилиш учун фуқаролардан мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олиш билан шўғулланидиган юридик шахсларнинг фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча қулай шарт-шароитлар назарда тутилди.

Хусусан, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича имтиёзлар келгусида жисмоний шахслар томонидан маҳсулотларнинг етиштирилганлигини тасдиқловчи ҳўжатни тақдим қилмасдан қўлланилиши белгиланмоқда. Агар экспорт қилувчида олдин амалга оширилган экспортга етказиб бериш бўйича мўддати ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлса,

фақат мўддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйган чет эл харидорига товарларни чиқариш рухсат этилмайди.

Шу билан бир қаторда, қарор билан мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга божхона юк декларациясини расмийлаштириш қўрик ҳўжати тузилганидан кейин 3 оатдан қўп бўлмаган мўддатда амалга ошириладиган тартиб жорий этилди.

Мева-сабзавот ва тез бузиладиган маҳсулотларнинг экспорти учун зарур бўлган сертификат бериш мўддати экспорт қилувчи томонидан ҳўжатлар тақдим қилинган вақтдан бошлаб бир иш кўниға қадар қисқартирилди.

Амалдаги импорт божхона божлари, акциз солиғи ва йиғимлар ставкалари, шунингдек, хорижий мамлакатлардаги санитария нормаларини танқидий ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавот маҳсулотларининг савдоси ва экспорти соҳасидаги халқаро шартномалари инвентаризациядан ўтказилади. Унинг якунлари бўйича янги халқаро шартномалар тузиш ва амалдагиларини қайта қўриб чиқиш бўйича таклифлар тайёрланди.

Шунингдек, Давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикасида берилган мувофиқлик сертификатларининг маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотлари асосий истеъмол қилинадиган давлатларда тан олинсини, шунингдек, лабораториялар модернизация қилинишини таъминлаш чораларини қўриш топширилган. Мазкур топширининг амалга оширилиши маҳаллий етказиб берувчилар хорижий бозорларда уларнинг маҳсулотлари мева-сабзавот маҳсулотларини потенциал импорт қилувчи қўпгина мамлакатлар стандартлари, санитария ва фитосанитария талабларига

мувофиқ келмаслиги билан боглиқ камчиликларни бартараф этиш имконини беради.

Қарорда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш соҳасида инфратузилмаларни яратиш ва замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу мақсадда ҳақиқий эҳтиёж ҳамда халқаро ва хорижий молия институтларининг чет эл инвестициялари ҳисобига мева-сабзавот маҳсулотларини ташвиш йўналишларини ўрганиш асосида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаш, сақлаш ва ташвиш бўйича логистика марказлари ташкил этилади.

Ҳозирги вақтда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар етиштирган маҳсулотлари, уларнинг нави ва нархлари, шунингдек, чет эл харидорлари томонидан уларни сотиб олиш учун буюртмалари тўғрисидаги фойдаланилаётган тарқоқ ахборот базалари импорт ва экспорт қилувчилар учун ягона порталга биришлантирилди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини ривожлантириш бўйича қайд этилган чора-тадбирлар билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ишчи гуруҳ ташкил этилди ва унга 2018 йил 1 февралга қадар миллий божхона тартиб-таомиллари ва экспорт-импорт операцияларини халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича қўшимча таклифлар тайёрлаш ва Ҳўкуматга киритиш вазифаси юклатилди.

Мазкур қарор ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш ва мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иш шароитларини яхшилаш имконини беради.

Парламент назорати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилишида Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг жорий йилдаги 9 ойлик ижроси тўғрисидаги масала қизғин муҳокама этилди.

Давлат
бюджетининг
9 ойлик ижроси:

ЎзХДП
ФРАКЦИЯСИ
АЪЗОЛАРИ
ҚАНДАЙ
ФИКРДА?

Таъкидландики, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга доир Давлат дастури доирасида қариялар ва ногиронлар учун санаторийлар ҳамда интернат уйлариға 65 миллиард сўм, ногиронлар реабилитация марказлариға 14,2 миллиард сўм маблағ ажратилган. Ушбу маблағ эвазига 85 минг нафардан ортиқ фуқароға ижтимоий хизматлар қўрсатилган. Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя қаролатларини мустаҳкамлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этапти.

Атрофлича таҳлил ҳамда савол-жавоблардан кейин ЎзХДП фракцияси аъзолари Давлат бюджет ижроси юзасидан фикр-мулохазалари ва таклифларини билдиришди.

Феруза ЭШМЕТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

Фракциямиз Давлат бюджет ижросида ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириб бориш масалалари доимий эътиборда бўлаётганини қайд этади.

Тақдим этилган ҳисоботга қўра, ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар учун 1625 та ногиронлар аравачаси, 303 та эшитиш мосламаси, 1167 та ҳасса ва 820 жуфт қўлтиқтаёқ етказиб берилган. Аммо ҳудудлардаги фаолиятимиз жараёнида ногиронлар аравачасининг сифатсизлиги, эшитиш мосламаларининг алоҳида ёшларға мўлжаллангани йўқлиги ҳақида эътирозлар бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб, фракциямиз аъзолари Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар сифатсиз маҳсулотлар учун сарфланишининг олдини олиш бўйича ўз таклифларини берди. Бу масала электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар рўёбға чиқишида муҳим ўрин тутди.

Қаҳрамон МИРЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— Айтиш керакки, Давлат бюджет ижросида соғлиқни сақлаш соҳасини ўз вақтида ва самарали молиялаштириш масаласига жиддий эътибор қаратилган.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояға етказиш масалалари Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурида белгиланган устувор вазифаларға мис келади. Шунинг учун фракциямиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш йўлидаги савй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

Ўз давлатда фракциямиз аъзолари 2018 йил учун давлат бюджетини шакллантиришда айрим масалаларни назарда тутиш керак, деб ҳисоблайди. Хусусан, ногиронлар учун алоҳида спорт мажмуалари, реабилитация, санаторий-профилакторий муассасаларини қўриш долзарб аҳамиятга эга.

Йиғилишда, шунингдек, Давлат бюджет ижросида таълим, соғлиқни сақлаш, аҳоли мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ҳамда биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга алоҳида эътибор берилгани эътироф этилди. Ушбу ҳолат Ўзбекистон ХДП электорати манфаатларига ҳам-оҳанг экани таъкидланди.

Депутатлар қўрилаётган арзон уй-жойлар сифати, истеъмол товарлари нархлари барқарорлигини назорат қилиш, ички йўллар сифатини яхшилаш, ичимлик суви таъминоти масалалариға ўзларини қизқитирган саволлар билан мурожаат қилишди. Булар юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар вакилларининг ахборотлари тингланди.

Давлат бюджет ижросида мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини ошириш, молиявий интизомға риоя этиш ҳамда бу борада назоратни янада қучайтириш бўйича фикр-мулохазалар билдирилди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси Давлат бюджетининг 9 ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Гулрух ОДАШБЕКОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда

Музей ёнига Шароф Рашидов худудларга сафарлари чоғида фойдаланган поезд вағони ўрнатилган. Ундаги шароит ва буюмлар асл ҳоли-ча сақланган.

Музей Шароф Рашидов ҳақида тўлиқ маълумот берадиган, у кишининг руҳини сезадиган жой бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Бу ерга ўқувчи-ёшларнинг мунтазам ташрифини йўлга қўйиб, турли тадбирлар ўтказиш зарур.

Шавкат Мирзиёев мемориал музей фахрий меҳмонлар китобига ўз фикр ва таассуротларини ёзиб қолдирди. Унда шундай сўзлар бор: «Халқимизнинг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов эл-юртимиз учун фидойи раҳбар, бетақдор ва беназир шахс эди...»

Хар қандай мураккаб шароитда ҳам эл-юртимиз манфаатини ўйлаб яшаган Шароф Рашидовнинг буюк хизматлари халқимиз хотирасида абадий сақланиб қолади.

Бугун Жиззах шаҳрида иш бошалаётган Шароф Рашидов мемориал музейи ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади, деб ишонаман.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 27 апрелда Жиззах вилоятига ташрифи давомида улкан шоирлар Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш, асарларидаги эзгу тушунчалар моҳиятини ёшларга етказиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиббони, икки шоир номи билан аталувчи ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ҳамда музей халқимизнинг ардоқли фарзандларига кўрсатилган улкан эҳтиром намунаси бўлди.

◀ Давоми. Бошланиш 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги «Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан мазкур мактаб-интернат учун 4 қаватли замонавий бино куриб битказилди. Бу ерда яратилган замонавий шароитлар, 100 ўринли ётоқхона, ошхона, фаоллар зали ўқувчиларнинг муносиб таълим олишига хизмат қилади.

Жиззах шаҳридаги тарихий Ўжа Нуриддин мадрасасида адабиётимизнинг улкан намояндалари Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида музей ташкил этилди. Бунинг учун мадраса биноси тубдан таъмирланиб, тарихий кўриниши тикланди. Мадрасанинг гўмбаз қисми сирланган қошин билан қопланди.

Музей экспозицияси мазмунли Президентимизнинг «Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз» асари ҳамда Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиббони, улар номи билан аталувчи мактаб-интернат ташкил этиш бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари асосида шакллантирилган.

Давлатимиз раҳбари Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги хиббон атрофини янада ободонлаштириш, музей фаолиятини такомиллаштириш, мактаб-интернат моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар берди. Шоирлар хайкали пойга гул қўйди.

Атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Жиззах вилояти мусикали драма театри ҳам замонавий талаблар даражасида реконструкция қилинди.

Бу ерда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари жараёнида театр биносининг олд қисмига замонавий қоплама ва витраж ўрнатилди, йўлакларга керамик плиталар ётқизилди. Бино олдида

фусункор фаввора, яшил майсазор барпо этилиб, худудга ноёб манзарали дархат ва гул қўчатлари ўтказилди.

Бинонинг иситиш тизими, ҳаво алмаштириш, электр, ичимлик суви тармоқлари янгиланди. 550 ўринли томоша залидаги ўриндиқлар, сахнани ёритиш, овоз кучайтириш ускуналари янгисига алмаштирилди, грим хоналарида зарур шарт-шароит яратилди.

Президентимиз театр биноси билан танишар экан, ушбу замонавий санъат даргоҳи Шароф Рашидовнинг кутлуг таваллуд санаси нишонланаётган кунда Жиззах вилояти халқига катта тўхфа бўлганини таъкидлади.

Мазкур санъат қошонаси фаолиятини вилоятнинг олис туманларида яшовчи одамлар ҳам сезиши керак, деди Шавкат Мирзиёев. Бунинг учун театр ижодий жамоаси салоҳиятини юксалтириш, бугунги замон даражасидаги сахна асарларини қўйиш устида ишлаш зарур. Шу орқали одамларнинг театрга қизиқишини ошириш, уларнинг маънавиятини тарбиялаш лозим.

Театрнинг вилоят маънавий-маърифий ҳаётидаги ролини ошириш ҳамда самарали ишлашини ташкил этиш мақсадида 2018 йилга мўлжалланган намунавий дастур тузиш бўйича кўрсатмалар берилди. Бу дастурда ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, улар учун 7 қаватли уй-жой қуриш, актёр ва режиссёрларнинг малакасини ошириш, театрдаги ижодий муҳитни вилоятдаги мусика ва санъат мактаблари ҳам ёйиш каби масалалар эътиборга олинди.

Кунинг иккинчи ярмида Жиззах вилояти мусикали драма театрида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ва концерт дастури бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Унда сенатор ва депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи-шоирлар, маданият ва санъат намояндалари, адабнинг авлодлари, фахрийлар, ёшлар, адабиёт ихлосмандлари қатнашди.

Шароф Рашидов атоқли давлат арбоби бўлиш билан бирга, улкан сўз санъаткори, моҳир таржимон, инсон қалбидан зукко билимдони эди. Унинг ёшлик, баҳор, гўзаллик, эзгулик, Ватан меҳри тараннум этилган асарлари халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Хусусан, «Қашмир қўшиғи», «Икки дил достони», «Дил амри» каби асарлари миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олган, қатор асарлари асосида баъдий фильмлар суратга олинган, спектакллар сахналаштирилган.

Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимиз миқёсида катта тантана билан нишонланмоқда. Бу тадбирларда халқимизнинг улғу адабни қанчалар ардоқлаши, унинг ижодий мероси, одамлар дардидаги малҳам бўлишдек ўзбекона сифатлари ва фазилатларини қадрлаши намён бўлмоқда.

Бу адибнинг 100 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган хотира кечаси концертида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. Унда юртимиз санъат усталари томонидан миллий ашула ва рақслар, жаҳон санъатининг энг сара асарларидан намуналар ижро этилди.

Ушбу куй-қўшиқлар қалбларда Ватанга муҳаббат, ҳаёт сурури туйғуларини жўш урдирди. Шароф Рашидов сўзи билан айтилувчи «Оламда гуллар яшар», «Ватан фидойиларига», «Дугоналар», «Ёр кел» қўшиқлари, Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг «Ўзбекистон», «Ёшлик чоғимда», «Кел, ассалом» шеърларига басталланган тароналар, халқ ашулалари, жаҳон санъатидан ижро этилган ария ва композициялар тингловчиларга бир олам завқ бағишлади.

Саҳна ортидаги улкан мониторда донишманд инсоннинг болалик

ва ёшлик даврлари, уни вояга етказган ота-онаси сиймолари, Шароф Рашидовнинг она Ватанимиз, халқимиз гурурини кўтариш, юртимизни обод этиш йўлида бутун борлигини бағишлаган ҳаёти Президентимиз раҳнамолигида ардоқли адиб номини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар, бугунги дориларом ҳаётимиз акс этирилган лавҳалар намойиш этилади.

Буларнинг бари ўз элига ва Ватанига фидойи инсоннинг халқимиз юрагидан муносиб жой олгани ва меҳрига сазовор бўлганини намён қилади.

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечалари, маънавий-маърифий тадбирлар мамлакатимизнинг барча худудлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда давом этмоқда.

7 ноябрь куні Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида «Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни» мавзусида илмий конференция ўтказилади.

«Жиззах» эркин иқтисодий зонасида Франциянинг «Пежо Ситроен» гуруҳи билан ҳамкорликда автомобил заводи барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига ташрифи давомида мазкур замонавий корхона қурилиши билан танишди.

Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги «Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive» корхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Ўзавтосаноат» АК ва Peugeot Citroen Automotive гуруҳи ўртасида эришилган келишув асосида барпо этилаётган ушбу қўшма корхона Ўзбекистон автомобиль саноатининг истиқболига хорижлик ишбилармонларнинг катта ишончи самарасидир.

Заводда йўловчи ва юк ташишга мўлжалланган «Пежо Эксперт» ва «Пежо Боксер» тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш режалаштирилган. 600 иш ўрни яратиладиган корхона 2019 йил маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди.

Йилига 16 минг дон замонавий автомобиль ишлаб чиқариш қуваига эга корхона маҳсулоти ички бозордан ташқари МДХ мамлакатлари, Эрон, Франция ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

Президентимиз қурилиш ишларини жадаллаштириш, сифат ва самарадорликка алоҳида эътибор қаратиш юзасидан тегишли топшириқлар берди. Шавкат Мирзиёевга бу ерда ишлаб чиқариладиган автомобиллар намуналари намойиш қилинди.

Шу ерда Марказий Осиёдаги энг йирик ойна ишлаб чиқариш заводи тақдими ҳам ўтказилди.

«Жиззах» эркин иқтисодий худудида барпо этилаётган шишага чуқур ишлов бериш ва йирик ўлчамдаги шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 110 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Хитойнинг «Минъюань сил» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган корхонанинг биринчи навбатини 2017 йил якунигача фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. 2019 йил сентябрь ойда корхона тўла қувватда ишлаб бошлайди.

Президентимизга «Ўзқурилишматериаллари» АЖ томонидан Жиззах вилоятида 2017-2018 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Анвар САМАДОВ,
Абубакр ЎРОЗОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Умар АСРОРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилди. Унда ЎзХДП фаоллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партиямиз гуруҳи аъзолари, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлари иштирок этди.

«ХАЛҚИМИЗНИНГ ОТАШҚАЛБ ФАРЗАНДИ»

— Шароф Рашидов жуда мураккаб бир замонда республикаимизни бошқарган эди, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Нилуфар Йўлдошева. — У қаттол тузумнинг кўп чиғирикларидан ўтган Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган. Яраланган. Ҳассос шоир ва носир ўзининг «Қаҳрим» деб номланган шеърый тўпламида фашизмга бўлган чексиз нафратини ифодалаган.

— Шароф Рашидов Иккинчи жаҳон урушидан гоят юпун ва ночор ҳолда чиққан юртимизни қайта тиклаш, халқ дардида қулоқ тутиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, йирик sanoat корхоналарини бунёд этиш, Тошкент зилзиласи оқибатларини бартараф қилиш, Тошкент метрополитени, телеминораси, «Халқлар дўстлиги», «Наврўз» каби ўша даврнинг улғуров ва маҳаббатли қурилишлари ташаббускори ва бунёдкори бўлган, — дейди Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, филология фанлари номзоди Исмоилжон Ёқубов. — Шароф Рашидовнинг адабий фаолияти ҳам эътиборга молик. Унинг баъдий-публицистик ижоди 1930 йилларнинг иккинчи ярмидан бошланди. Шунга қарамастан, у адабиётга публицист эмас, балки шоир сифатида кириб келди. Дастлабки шеърый тўплами бўлиши «Самарқанд қуйлари»да юртимиз жамоли, унинг соҳир табияти, танти, меҳнаткаш одамлари қалбигада интилишлар қаламга олинди.

Талаба-ёшлар Шароф Рашидов шеърларидан намуналар ўқишди. Кекса авлод вакиллари эса бу улғу инсон ҳақидаги хотираларини сўзлаб беришди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ташаббуси билан

КУЧЛИ ИРОДА — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

— Инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам иродаси мустаҳкам ва ҳеч қачон таслим бўлмаслиги керак. 1993 йилдан бери Ногиронлар жамиятида ишлаётган бўлсам, ўтган йиллар давомида жамият аъзоларидан қийинчиликлар билан курашишни, уларни енгишни ўргандим. Бу менга ҳаётда катта мадад бўлди. 2004 йилда «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Ҳаётдаги энг катта ютуқларим — оилам, фарзандим ва дўстларим, деб биламан.

Республика Ногиронлар жамияти бош ҳисобчиси Муҳаббат Бионува биз билан яна қўллаб-қувватлашга кўрсатди. Унинг фикрича, ҳаётнинг ўнқир-чўнқирлари одамни тоблайти, орзу-мақсадларига етишиш истагини кучайтиради. «Ҳаётнинг ўзи энг яхши устоз ва унинг дарсларидан қочиб бўлмайди», дейди у.

Муҳаббат опани учратганимизда у Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган спорт мусобақасининг стол тенниси турига тайёргарлик кўраётган эди. «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шiori остида ўтказилган тадбирда минн-футбол, волейбол, шахмат, шашка ҳамда стол тенниси бўйича беллашувлар ташкил этилди.

Кўзи охишлар икки гуруҳга бўлинган ҳолда минн-футбол бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Уйин 2:1 натижа билан Тошкент шаҳар паралимпия ассоциацияси жамоаси фойдасига ҳал бўлди.

— Жамоамиз икки йилдан буюн футбол билан шугулланиб келади, — деди Тошкент шаҳар паралимпия ассоциацияси бош мураббийи Рашид Сафариев. — 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 12 нафар иштирокчи гуруҳимизга йўлланган. Мақсадимиз катта — юртимиз бўйлаб энг кучли ўйинчиларни йиғиб, терма жамоа шакллантириш ва уларни паралимпияда олиб чиқишдан иборат. Лекин, тўғрисини айтсам, бизнинг жамоа учун махсус майдон ҳамда футбол тўплари етишмайди. Шунинг учун ёрдам сўраб, бир неча ташкилотга мурожаат қилдик.

Айни пайтда паралимпия ассоциацияси президенти раҳбарлигида кўзи охишлар



Санабар ШОТЎЛАНОВ олган сурат.

футболни ривожлантириш борасида бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Бунинг учун махсус футбол майдонлари ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Келажакда кўзи охишлар футбол юртимизда ҳам ривожланишига ишонаман.

— Партиямиз ҳамда Ногиронлар жамияти ўртасида имзоланган меморандум имконияти чекланганларни ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этапти, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов. — Ногиронларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш — долзарб масала. Шу мақсадда турли тўғараклар ташкил қилинмоқда. Маданий тадбирлар, спорт мусобақаларини юртимизнинг барча худудлари бўйлаб ўтказиш режалаштирилган.

— Жисмоний тарбия ва спорт инсонни нафакат жисмонан, балки руҳан чинқиртади, иродасини тоблайти. Бу, айниқса, бизнинг жамият аъзолари учун муҳим жиҳатдир, — деди Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси Комилжон Абдуллаев. — Жамиятимиз Ўзбекистон ХДП билан кўп йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келади. Хусусан, Президентимизнинг «Ногиронларни давлат

томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига тақлифлар тайёрлаш асосида қўллаб-қувватлашга, муҳофизат этилди. Шундан келиб чиқиб, партия билан битим имзоладик. Ўйлайманки, олиб борилаётган ишлар имконияти чекланганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, уларнинг руҳиятини кўтаришга хизмат қилади.

Мусобақа якунига кўра, стол тенниси бўйича аёллар ўртасида Республика Ногиронлар жамияти бош ҳисобчиси Муҳаббат Бионува, эркаклар ўртасида «Қадрият» газетаси масъул котиби Тоҳиддин Халилов ғолиб бўлди. Шахматда Олмасор тумани банк коллежи ўқитувчиси Акмал Холдоров устунлик қилган бўлса, шашка бўйича Саодат Сафарова ҳамда Александр Джакаливилининг қўли банд келди. Волейболчилар ўртасида эса паралимпия спорт клуби биринчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi.

Korxonada nashr etilgan: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1138

8806

nusxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 00:05

Topshirilgan vaqti — 00:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7633

1 2 3 4 5